Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 МАРТ ЧОРШАНБА № 57 (805).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

КЕЧА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДА БУЮК АЛЛОМА МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛДИ

Уни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти М. Салоҳиддинов очди. Таниқли тарихчи ва адиблар Б. Аҳмедов, А. Аҳмедов, О. Ёқубов Улуғбек шахсияти, илмий мероси, алломанинг жаҳон илм-фанида тутган ўрни хусусида гапирди.

Анжуман иштирокчилари кутубхонада сақланаётган Улуғбек ва унинг даври, темурийлар маданиятига оид ноёб китоблар кўргазмасини кўздан кечирди.

Конференцияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

* * *

Кеча Мирзо Улуғбек туғилган кун муносабати билан у яшаб, ижод этган Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидаги аллома қабри бошига вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари келишди. Бу ерда улуғ бобомиз хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг мунажжим қурдирган расадхона ёнида митинг бўлди. Унда сўзга чиққан Самарқанд давлат университети профессори Н. Шукуров ва бошқалар алломанинг фандаги буюк хизматлари, у қолдирган улкан маданий мерос ҳақида гапирдилар.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Ушбу санага бағишланган саҳифани газетамизнинг 3-бетида ўқийсиз).

«ДОИМО БАХТЛИ БЎЛ, МУҚАДДАС ЗАМИН...»

БУГУН ПОКИСТОНЛИКЛАР ЎЗ МАМЛАКАТИНИ РЕСПУБЛИКА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 38 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДАЛАР

Давлат мадҳиясининг дастлабки сатрлари ана шундай эзгу тилакдан бошланадиган Покистон Ислом Республикаси кўп жиҳатдан юртимизга ўхшаб кетади: Тарихи, тақдири, халқининг меҳнатсеварлигидан тортиб, қадимий анъаналаригача. Бунинг сабаблари бор. Юртдошимиз, улуғ шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур барпо этган салтанат уч аср давомида халқларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни ниҳоятда мустаҳкамлаган эди. Мамлакатлар ўртасида қатнаган савдо карвонлари қимматбаҳо моллардан ташқари урф-одатлар, анъаналар, турли расм-русумларни ҳам юртлардан юртларга элтар эди. Шимолий чегараси республикамизнинг жанубий чегарасидан атиги 100 километр нарида жойлашган, аҳолисининг 98 фоизи мусулмон бўлган, 100 миллиондан ортиқ аҳолига эга мамлакат билан қадимий дўстона алоқаларни янада ривожлантиришда Ўзбекистон мустақиллиги янги уфқлар очди. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Давлат раҳбарлари ва дипломатлар қадимдан халқ орзу-истакларини рўёбга чиқарувчи кишилар бўлиб келишган. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йилда Покистонга расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. У ердаги учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар натижасида кўзланган аниқ мақсадлар амалга ошди. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, мутахассислар тайёрлаш, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот соҳаларида битимлар имзоланди. Бу тарихий ҳужжатлар халқларимиз қалбидаги асрий орзу-умидларнинг рўёбга чиқишига кенг имконият яратди. Барча битимлар бугунги кунда амалиётга жорий этилмоқда. Ана шу аҳдлашувлар меваси ўлароқ ҳозир республикамизда Покистоннинг «Табани Корпорейшн», «Лаҳор», «Пиа», «Метро гарментес» сингари ўнлаб фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Турли қўшма корхоналар, савдо шохобчалари барпо этилмоқда. Лаҳор шаҳрида Ўзбекистон — Покистон иқтисодий ва маданий маркази фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Тошкент билан Карочи шаҳарлари ўртасида самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Бугунги кунда Покистон халқаро ҳаво йўллари Тошкентда ўз ваколатхонасига эга. Демак, яна янги ҳаво йўллари бунёдга келади. Республикамизда Покистон элчихонаси, Покистонда эса Ўзбекистон консулхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Покистон қишлоқ хўжалиги машиналарига, турли саноат моллари ва сув хўжалигида ишлатиладиган техника воситаларига, пахтачилик соҳаси мутахассисларига эҳтиёжманд. Ўзбекистоннинг эса бу борада имкониятлари катта. Ўз навбатида Покистон банк ишлари, менежмент ва маркетинг соҳаларида катта тажрибага эга. Биз эса бу тажрибаларни ўрганиш тарафдоримиз.

Маданий алоқаларимиз ҳам кенгайиб боряпти. Ўзбекистонлик олимлар шу вақтгача уч марта Покистонда ўтказилган турли мавзулардаги халқаро анжуманларда иштирок этдилар. Покистонда ўзбек ёзувчилари ҳикоялари тўпламини нашр этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Бу халқ тарихига, Ўзбекистон билан ҳамкорлик муносабатларига назар ташлашимизнинг боиси бор. Шу кунларда Покистон халқи мамлакат республика деб эълон этилганининг 38 йиллигини кенг нишонламоқда. Покистон халқининг Наврўзи айёмга уланиб кетадиган севимли байрами кўп жиҳатдан рамзий маъно касб этади. Тақдири, тарихи туташ халқни улуғ байрам билан муборакбод этамиз. Тараққиёт йўлида ишончли, синалган дўст билан елкама-елка туриб ҳамкорлик қилиш эзгу орзуларнинг рўёбга чиқишига ёрдам беради. Ўзбекистон ва Покистоннинг тобора мустаҳкамланиб бораётган муносабатлари бунга ишонч туғдиради.

(ЎзА).

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан муборакбод этаман. Янги йилда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар янада ривожланишига ишонаман. Йилнинг ана шу фасли — ўсиш ва янгиланиш фаслида Ўзбекистон демократия, бозор ислоҳотлари ва барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидан бораверади, деб умид қиламан.

Самимий салом билан
Вильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрикларим ва эзгу истакларимни йўллашдан бахтиёрлигимни изҳор этиб, Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга ва барча мусулмонларга шодлик, эзгулик ва барака ато этишини сўрайман.

Чуқур эҳтиромлар ила
Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон байрами муносабати билан зоти олийларига самимий табрикларимни йўллайман. Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи номидан ва ўз номимдан жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистоннинг дўст ва қардош халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон байрами муносабати билан Туркия жумҳурияти ҳукумати номидан ва ўз номимдан зоти олийларига самимий табрикларимни ва энг яхши тилакларимни йўллайман.

Тансу ЧИЛЛЕР,
Туркия Жумҳурияти Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Оллоҳ таолодан мусулмон халқларининг барчасига қут-барака ато этишини ҳамда эзгулик ва равнақ йўлидаги интилишларимизга мададкор бўлишини сўрайман.

Зайн Ал-Обид бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизнинг янги йил муносабати билан йўллаган табрикларингиз олинди ва юқори баҳоланди.

Оллоҳ таоло Сизга ва Ўзбекистон халқига муваффақият ва фаровонлик ато этсин.

ва ассалому алайкум

Эрон Ислом инқилоби раҳбари,
Саид Али ХОМАНАИЙ.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РОҲИМ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз жаноби олийларини, Ўзбекистон давлати ва миллатини исломнинг буюк байрамларидан бўлмиш Ийди Фитр билан табриклайман. Бу қутлуғ ва бирдамлик бахш этувчи кун шарофати ҳамда исломий давлатлар ва миллатлар амалга ошираётган саъй-талошлар туфайли яқин кунларда барча мусулмонларга, айниқса Фаластин, Босния ва Герцоговина, Афғонистон мусулмонларига етаётган равшан ситамлар ниҳоясига етганининг шоҳиди бўламиз, деган умиддаман. Оллоҳ таолодан Сиз жаноби олийлари ва Ўзбекистон Республикасининг шарофатли миллатига муваффақиятлар, мусулмонларга иззат ва исломнинг бутун жаҳонда равнақ топишини тилаб қоламан.

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти,
Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд-ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва Ўзбекистоннинг барча мусулмон халқига Афғонистон Ислом давлати, Афғонистон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Бу байрам жаҳондаги барча мусулмонларга бахт ва фаровонлик келтирсин. Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ,
Афғонистон Ислом давлати Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. Р. РАҲМОНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мавлон Раҳимович Раҳмонов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Д. С. ЁДГОРОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Дамир Солиҳович Ёдгоров пенсияга чиқиши муносабати билан Бухоро вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 март.



Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси хорижий фирмалар билан алоқани йўлга қўйгандан сўнг цехларни таъмирлаб, қайта жиҳозлашди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган маҳсулот нафақат республикамизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам харидорларини топаяпти.

СУРАТДА: бирлашманинг тандалаш цехи.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида судлов ҳайъатининг раиси А. Ишметов раислигида, давлат айбловчиси қувватловчи Тошкент шаҳар прокурори Э. Жўраевнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси 4-қисми, 78-моддасининг 1-қисми, 78-моддасининг 3-қисми, 149-моддасининг 1, 2 қисмлари ва 151-моддаси бўйича судга берилган Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг собиқ ходимлари Муҳаммаднаби Миркомилов, Муҳаммадлатип Жуманов, Миробид Мирмаҳмудов, Абдусаттор Муслимов ва Зиёвутдин Жаҳонгировларнинг жиноят иши кўрилмоқда.

Судланувчилар Миркомилов, Жуманов ва Мирмаҳмудовга 1989 — 1993 йиллар мобайнида Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг раиси лавозимида ишлаган собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан жиноий тил бириктирган ҳолда диний идоранинг мулкини жуда кўп миқдорда ўзлаштириб, талон-торож қилганликда, хусусан, диний идоранинг ҳисобидаги пулларга шахсий машиналар сотиб олганликларида айб эълон қилинган.

Диний идоранинг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келган Жаҳонгиров ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан биргаликда, диний идорага хайрия ишларига сарф қилиш учун чет давлатлардан келиб тушган валюта маблағларини мақсадга мувофиқ ишлатмасдан, шахсий манфаатлари учун ўзлаштирилган. Ҳамда диний идора ҳисобидаги 200.000 АҚШ долларини Тожикистон Республикаси мусулмонлари қозиёти ҳисобига қурол сотиб олиш учун ўтказилган. Диний идорага шундай ҳаракатлари билан жуда катта миқдорда моддий зарар етказилганликда айб эълон қилинган.

Диний идоранинг хазиначиси лавозимида ишлаган Муслимовга диний идоранинг 1.457.436 сўм пулини (1991 йил ҳисобида) ўзлаштириб, талон-торож қилинганликда айб эълон қилинган.

Ҳозирги кунда суд муҳокамаси давом этмоқда.

• *Бугун-жаҳон Метеорология куни*

ШИОР: «ОБ-ҲАВОНИ ВА ИҚЛИМНИ КУЗАТИШ»

1950 йилнинг шу куни Жаҳон Метеорология конвенцияси ва жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) БМТга қарашли Давлатлараро ихтисослаштирилган ташкилотлар мақомини олди. 1961 йилдан бери жаҳон метеорология куни нишонланади.

ЖМТнинг ижроия кенгашида ҳар йил учун аниқ мавзу танланади. 1994 йилнинг мавзуси — «Об-ҳавони ва иқлимни кузатиш». 1992 йилнинг июнида Рио-де-Жанейрода атроф-муҳитга ва ривожланишга бағишланган БМТнинг анжуманида мамлакатлар раҳбарлари атроф-муҳитнинг ўзгаришини ўрганиш ва олдиндан айтиб беришга эътиборни кучайтириш зарурлигини тан олганлиги шундай мавзунинг танланишига қисман сабаб бўлди.

Метеорология соҳасида уюшган халқаро ҳамкорлик 1853 йилдан бошланиб, унда денгизларда ҳаёт ҳавфсизлигини ошириш мақсадида олиб бориладиган метеорологик кузатишлар дастури ишлаб чиқилганди.

Ўзбекистон Республикасидаги Бошгидрометга қарашли гидрометеорологик кузатиш тармоқлари 400 га яқин кузатиш жойларини ташкил этади. Уларнинг бир қисми бориш қийин бўлган чўлли жойларда (Мошиқудуқ, Қулқудуқ) ва баланд тоғларда (Абрамов музлиги —3835 м, Северцев музлиги — 2690 м) жойлашган. Кўпгина станциялар бир асрлик юбилейларини нишонладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Бошгидромети ЖМТ фаолиятида фаол қатнашаяпти. Тошкент — жаҳон об-ҳаво хизмати тизимидаги 29 регионал махсуслаштирилган метерологик марказларнинг бири бўлиб, дунё миқёсидаги телеалоқа тармоқларидаги регионал тугун ҳисобланади. Тошкентда Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Россиянинг Осиё қисмини ўз ичига олган кенг регондан маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

Ҳар куни об-ҳавони кузатиш ва уни таҳлил этиш иқлимни ва унинг ўзгаруванчанлигини ўрганишнинг биринчи қадамидир. Бу маълумотлардан кундалик ижтимоий қарорларни қабул қилишда фойдаланилади. Сув тошқинлари, қурғоқчилик каби табиий офатлар ҳамда экологик муҳитни сақлаб туришда унинг аҳамияти беқиёсдир.

Маълумки, чучук сув — ҳаёт демакдир. Унинг заҳирасини ўлчаш ва ер юзидаги ҳаракатини ўрганиш дунё аҳамиятига молик ишдир. Бу вазифа билан жаҳондаги барча гидрометеорология хизмати шуғулланади. Ҳозирги пайтда ер куррасида 60000 нуқтада дарё оқими ўлчанади. Ер усти сувларининг тартиби ва сифатини ўрганиш билан бирга ер ости сувлари ҳам кузатилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўл ва сув омборларида Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли мингга яқин сув ўлчаш жойларида ва Ўзбекгидрогеология ишлаб чиқариш уюшмасига қарашли 5000 дан кўпроқ кузатиш тармоқларида ер ости сувларининг сув сатҳи ва сифати кузатилади. Бошгидрометга қарашли ер устки сувлари ҳолатини ўрганиш бўйича кузатувлар III сув ўлчаш жойларида олиб борилади.

Рио-де-Женейродаги анжуманда қабул қилинган «XXI аср кун тартиби» деб номланган ҳужжат, атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларининг мувозанатини сақлаш ва унга комплекс ёндошиш бўйича барча давлат ҳукуматларининг 40 бобдан иборат тавсиялари киритилди. Иқлимнинг ўзгариши бўйича Рамочи Концепцияси ҳужжатларини жаҳондаги 150 давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси имзолаган бўлиб, бу ҳужжат бутун дунёда чиқарилаётган иситгич газларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш ва уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўришга даъват этади.

Инсоннят фақатгина табиий омиллардан ташқари яна антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари муаммоларидан ташвишга тушаяпти. Инсон фаолияти туфайли атмосферанинг кимёвий таркибида ўзгаришлар пайдо бўлаяпти. Бундан келиб чиқадиган муаммоларга мисол қилиб кислотали ёмғирлар, ҳаво бўйича заҳарли ва кимёвий моддаларнинг кўчиши, озон қатламининг анчагина бузилиши ва ултрабинафша радиация тушишининг кўпайишини ҳамда иситгич газларнинг дунё миқёсидаги ҳароратининг кўтарилишини мисол келтириш мумкин. Буларнинг барчаси атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида инсонлар саломатлигига, сув таъминотига ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришга хатарли таъсир этиши хавотирини туғдиради.

ЖМТ Бош котиби, профессор О. П. Годвин ўзининг Жаҳон метеорология кунини нишонлаш муносабати билан юборган Мурожаатида 1994 йилнинг ушбу куни мониторингнинг асосини ташкил этиши, об-ҳаво ва иқлимни тушуниш ва уларни олдиндан айтиб беришни таъминлаш учун, қийин ва совуқ об-ҳаво шароитларида юз мингдаб кузатув ишларини олиб бораётган, ўз хизмат бурчларини содиқлик билан ўтаёган мутахассислар меҳнатини ёдга олиш куни эканлигини қайд этди.

В. ЧУБ,
Ўзбекистон Бошгидромет бошлиғи.

• *Ислоҳот қандай бормоқда?*

138 ФОИЗГА ОШДИ - Ю, ЛЕКИН...

Самарқанд вилоятидаги, хусусан, хусусийлаштиришга ютуқ ва камчиликлар иқтисодий ислоҳот қўламлариш жараёнлари борасидаги нималардан иборат?

Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш бозор муносабатларига ўтиш даврининг галдаги дадил қадами бўлади, десак хато қилмаймиз. Ўтган йили вилоятимизда 1389 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, 1359 та давлат савдоси шаҳобчаси, 2353 та матлубот кооперацияси дўкони, 653 та ширкат тайёрлов савдо иншооти хусусийлаштирилди. Улар заминида 4500 дан зиёд ҳиссадорлик уюшмаси тузилди ва мулк шаклларига айлантирилди. 1300 га яқин корхона хусусийлаштирилди. Бу тадбирлар эвазига вилоятимиз бюджетига бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ қўшилди.

Шу нарса характерлики, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши хизмат маданиятини яхшилашга, унинг кўламини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1993 йилда мулкчилик шаклини ўзгартирган маҳаллий саноат концернига қарашли 31 та корхонада товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 138 фоизга ошди. Худди шунингдек, давлат тасарруфидан чиқарилган саноат корхоналарида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги 1992 йилга нисбатан кескин кўпайди. Жумладан, вилоятдаги ташкил этилган 20 та акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш 130 фоизга, меҳнат унумдорлиги 163 фоизга ошди.

Президентимиз фармонидан келиб чиқиб, бу йил мулкчилик соҳасидаги ислоҳотларни кенг кўламда давом эттириш, айрим тармоқларда бу ишни ниҳоясига етказиш, мулкни ўз эгасига топшириш ва ҳиссадорлик, жамоавий ҳамда кооператив мулк шаклларига айлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада ҳар бир корхона, ташкилот ва хўжалик бевосита ташаббус кўрсатиши керак. Чунки қишлоқ хўжалигида, саноат ёки қурилишда, савдо ёки маиший хизмат кўрсатишда бўлмасин мулк ҳуқуқий эгасига топширилмас экан, кўзланган натижага эришиш мушкул.

Бу—масаланинг биринчи жиҳати. Иккинчи томони шундаки, мулк ўз эгасига топширилдими, янги мулк эгасининг фаолиятини назорат қилиб турилиши, унга амалий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш лозим. Буйруқбозлик, юқоридан туриб режалар тузиш, ҳатто хўжалик юритишнинг икир-чикирларигача аралашишдан қанча тез ҳоли бўлсак, шунча эртароқ бу борадаги ислоҳотнинг ҳаётга тадбиқ этилишига эришамиз.

Масалан, бундан икки йил олдин 28 та давлат хўжалиги жамоа хўжалигига, 15 таси ижара хўжалигига айлантирилганди. 1993 йилда ҳам бу иш давом эттирилиб, 45 давлат хўжалигида мулк шакли ўзгартирилди. Ҳатто ана шу хўжаликларнинг давлат банкидан олган 600 миллион сўмга яқин қарзларининг тўлов муддати 20 йилга узайтирилди. Шунингдек, 153 та қорамолчилик фермаси хусусийлаштирилди. Хўш, натижа ижобий томонга ўзгардими? Афсуски йўқ. Улар фаолияти назоратдан четда қолганлиги туфайли маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш камайтириб юборилди. Банкнинг ссуда қарзлари кўпайди.

Банкдаги ҳисобида маблағи йўқлиги учун икки-уч ойлаб иш ҳақи тўлай олмаган хўжаликлар ҳам анчагина. Бундай аҳволга тушиб қолишнинг сабаби мулк шаклини ўзгартирган бу хўжаликларни қўллаб-қувватламасликдан, уларга етарли даражада моддий-техникавий ёрдам кўрсатмасликдан.

Кўпинча хусусийлаштирилган фермалар учун етарли миқдорда ер ажратиб берилмаяпти, натижада ем-хашак масаласи муаммолигича қолмоқда. Жамоа аъзоларига акцияларни сотиб олиш учун банкдан имтиёзли кредитларни олиш осон кўчмаётир. Вилоят бўйича жами 50 миллиард сўм, шундан биринчи бадал учун 5 миллиард сўм банк кредити талаб қилинади. Топширилган маҳсулотлар учун маблағни тўлаш тайёрлов идоралари томонидан пайсалга солинмоқда. Топширилган маҳсулот учун пул ўтказиш муддатлари ҳалигача белгиланмаган.

Хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликларининг фаолиятини мувофиқлаштириб борадиган бирорта ташкилотнинг йўқлиги уларга уруғлик, ўғит, техника, нефть маҳсулотлари ва бошқа зарур воситалар ажратишда кўп қийинчиликлар туғилаётган эди. Бу муаммоларнинг ечимига Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Ҳозир вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасини тузиш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Келажакда республикамизда аксарият корхоналар очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилиши кутилмоқда. Бунинг учун янги жамиятларни ташкил этиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш, акциялар чиқариш, уларни янгидан ташкил этиладиган фонд биржаларига жойлаштириш вазифаси турибди. Ҳозир вилоятимизда 49 та шундай жамият тузилган. Бироқ, уларнинг кўпи ҳокимиятлардан ва адлия бошқармасидан ҳанузгача рўйхатдан ўтган эмас.

Убайдулла РЎЗИЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимининг умумиқтисодий масалалар бўйича мутахассислар гуруҳи раҳбари.

ХАЛҚАРО «УМИД» МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

ЭКОЛОГИЯ — шу куннинг энг долзарб мавзуси, барча миллат-элатлар муаммоси. Шу жумладан, Орол денгизидаги аҳвол ҳам дунё аҳли назаридан четда қолаётгани йўқ.

Орол ва Оролбўйини ҳимоя қилиш жамоатчилик қўмитаси кўпмингсонли табиат ҳимоячиларини рағбатлантириш учун экология соҳасида халқаро «Умид» мукофотини таъсис этди.

Ушбу мукофот Оролни муҳофаза қилиш ва Марказий Осиё табиатини асрашда алоҳида жонбозлик кўрсатган фидойи инсонларга насиб этади.

Чет эллик экологлар, жамоат арбоблари ва давлат бошлиқлари ҳам мазкур мукофот билан тақдирланиши мумкин.

Ғ. ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган вилоятининг Мингбулоқ нефть ҳавзасида айни кунларда иш қизғин. Ҳозир Волгаграддаги «Прикаспийбурнефть» жамоаси ҳам пармалашда ўзбекистонлик ҳамкасбларига кўмаклашишаяпти.

СУРАТДА: волгаградлик-пармаловчи В. Терешенко иш устида.

П. АКБАРОВ тасвири.

«ФЕРУЗА»НИНГ НАВРЎЗГА СОВҒАСИ

НУРОТА туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Феруза» кичик корхонаси жунни, пахтани титиб, момиқ қилиб берадиган агрегат ва электр қуввати билан ишлайдиган тегирмонни ихтиро қилди.

Шунингдек, бу кичик корхонада электрдан қувват оладиган мойжувоз ҳам ишлаб турибди. Жамоа хомашё бўлмиш зиғир ҳамда кунжутни давлат ва шахсий хўжаликлардан сотиб олмоқда.

Наврўз кунларида кичик корхона ишчилари ана шундай ҳайрли ишлар билан банд.

М. МАРДИЕВ.

ИБРАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ, ТАБИИЙ БИРИКМАЛАР КИМЁСИ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР РАҲБАРИ СОБИР ЮНУСОВ 85 ЕШГА КИРДИ.

Собир Юнусов 1941 йил июнигача, яъни уруш бошлангунга қадар Москвадаги Бутуниттифоқ кимё-фармацевтика илмий текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Халқ дружинаси сафида Москва мудофаасида қатнашди. Жанглардан бирида оғир яраланиб, 1943 йили Тошкентга қайтиб келди. Кимё институти таркибида алкалоидлар кимёси лабораториясини ташкил қилди.

Собир Юнусов лабораториясидаги илмий ишларининг асосий йўналиши Ўрта Осиё, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва бошқа ҳудудларда ўсадиган алкалоид сақловчи ўсимликларни систематик равишда ўрганишни ўз ичига олди.

Олимнинг «Ўсимликларда алкалоидларнинг ҳосил бўлиши, ҳаёмияти ва кўпайиши ҳақида»ги иши 40-йилларнинг охирида кимё фанида катта янгилик бўлган эди. Муаллиф ўз кузатишларида ўсимликларнинг ўсиш даври, жойи, ривожланиш шароитида алкалоидлар ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек бир турга мансуб ўсимликда ҳар хил алкалоидлар сақланиши мумкинлигини илмий асослаб берди.

Бу иш тезда Менделеев номидаги Бутуниттифоқ кимё жамиятининг дипломига сазовор бўлган эди.

1950 йилларда академик Несмеянов бундай деб ёзган эди: «Биз А. П. Орехов мактаби билан, шу мактабда ўсимлик хомашёсида учрайдиган алкалоидларни ўрганиш соҳасидаги ютуқлар билан фахрланса арзийди. Бироқ эндиликда алкалоидлар бўйича илмий марказ Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси бўлиб қолди». Республика фан тараққиётига берилган бу юксак баҳо бевосита олим олиб бораётган изланишларга тааллуқли эди.

Орадан кўп ўтмай Республикада кимё ва кимёвий технология соҳасида бир қанча янги институтлар ташкил этишга шароит туғилди. Собир Юнусовнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таркибида Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ташкил қилиш учун жуда кўп меҳнатлар сарфлагани ҳали-ҳали ёдимизда.

Юнусов Ўзбекистон кимё фани ютуқларини оламга танитишда ҳам улкан ҳисса қўшди. Венгрия, Швейцария, Ҳиндистон, Англия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси каби хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этиб, республикамиз олимлари номидан илмий маърузалар қилди.

Алкалоидлар кимёси лабораториясида академик Юнусов раҳбарлигида Ўрта Осиё флорасининг 4000 дан ортиқ ўсимлиги алкалоид сақлаш нуқтаи назаридан текшириб чиқилди. 270 дан ортиқ ўсимлик туридан 900 дан ортиқ алкалоид ажратиб олиниб, 529 га яқин алкалоидларнинг кимёвий тузилиши исботланди. 60 га яқин янги тип алкалоидларини топишга эришилди. Уларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш йўллари ишлаб чиқилиб, ўсимликларда биосинтез йўл-йўриқлари таклиф этилди.

Аниқ мақсадли тадқиқотлар натижасида сифатли дори-дармонлар олишга эришилди. Шунингдек, галантамин, цитизин, ликорин, аллапинин, дезоксипеганин гидрохлорид каби қатор препаратлар олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Ўзининг 85 ёшини нишонлаётган фидойи олимимиз 60 йилдан ошиқроқ даврдаги илмий фаолиятида ўнлаб иқтидорли шогирдлар ҳам тайёрлади. Унинг раҳбарлигида 17 олим фан доктори ва 100 га яқин киши фан номзоди даражасини олишга муваффақ бўлди.

Институтда ўтказилган комплекс тадқиқотлар натижасида яратилган 10 дан ортиқ дори-дармонлар саноатда ишлаб чиқарилмоқда, 20 дан ортиқ препаратдан тиббиётда, 10 га яқин препаратдан эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиш тавсия этилди.

Тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл берилаётган шу кунларда алкалоидлар асосида яратилган 50 дан ортиқ биореактивлар чет эл фирмалари орқали реализация қилинаяпти.

Биз ҳамкасблар ва шогирдлар номидан Собир Юнусовни табаррук 85-ёшлари билан қутлар эканмиз, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

К. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги.

А. АБДУВАҲОБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

АЁЛ ЭДИ, ЭРКАК БЎЛДИ

ЧЕЛЯБИНСК вилоятининг 1-клиник шифохонасида мамлакат тарихида биринчи марта нозик жарроҳлик усули билан аёл эркак кишига айлантирилди.

ИЛГАРИ бундай жараён бир неча босқичдан иборат бўлиб, инсон жинсини тўла ўзгартириш учун кўп вақт ўтарди. Бу гал эса, бир вақтнинг ўзида аёл эркакка айландиқолди. Маҳаллий жарроҳлар бу усул билан ўтган йилнинг кузида Сеулда бўлган нафис жарроҳлик вакиллари анжуманида танишган эдилар.

Нафис (пластик) жарроҳлик бўлими раҳбари А. Пухованинг таъкидлашича; операция «аъло» даражада ўтди, бемор эркак (собиқ аёл) аллақачон соғайиб шифохонани тарк этган.

АҲМОҚНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

«ВЕТТА» агентлигининг хабар беришича, Уральск давлат техника университетида... аҳмоқлар танлови бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛАР касаба қўмитаси ташаббуси билан иккинчи марта ўтказилган танлов қатнашчиларига «аҳмоқлик» қобилиятларини тўла намоён этишлари учун ҳамма имкониятлар яратиб берилди. Улар латифа айтишлари, ҳар хил қилиқлар кўрсатишлари, масҳарабозлик қилишлари мумкин.

Энг «зўр» аҳмоқларга мукофотлар топширилди. Қондага кўра энг катта мукофот — 100 минг рубль учинчи ўриндаги аҳмоққа насиб этди.

ЎҒРИ... ҚОПҚОНГА ИЛИНДИ

ЙОШКАР-ОЛА шаҳри яқинидаги боғ-ҳовлисини ўғрилар шипшийдам қилиб кетаверишгач, эгаси қопқон қўйишга мажбур бўлди.

ОРАДАН бир неча кун ўтгач, қопқон эсига тушиб қолиб, «фазенда»сига келса, ҳақиқатан ҳам ўғри оёғидан қопқонга илинган экан. «Бечора» ҳаромхўр йиртқич бўрига мўлжаллаб тайёрланган қопқондан қутилишнинг иложини қилолмай икки кун ётибди. Чунки, қопқоннинг қулфи мустаҳкам бўлиб, фақат махсус калит билан очилар экан.

ФИЛНИНГ СИЧҚОНДАН ҚЎРҚИШИ БЕЖИЗ ЭМАС

ЖАНУБИЙ Африка Республикасининг шимолидаги жаҳонга машҳур Крюгер миллий ҳайвонот боғида олиб борилган тадқиқотлар натижаси буни исботлади.

БУ ЕРДА топилган иккита баҳайбат фил жасадлари қолдиқлари текшириб кўрилганда, уларнинг юрак фаолиятидаги етишмовчилик сабабли нобуд бўлганлиги аниқланди. Бу хасталик вируслар орқали ўтади, вирусни эса, одатда, сичқон ва каламушлар юқтиради. Олимларнинг хулосаларига қараганда, вирус ўт-ўлан ва шох-шабба орқали филлар танасига ўтган.

ДУНЕНИ РАҚС ТУШИБ АЙЛАНИБ ЧИҚИШМОҚЧИ

«ГИННЕСНИНГ рекордлар китоби»ни варақлаган киши бу нашрдан жой олмаган бемаъни одату қилиқлар қолмапти, деб ўйлайди. Бироқ...

ДУНЁГА машҳур бўлиш касалига учраганлар нималарни ўйлаб топмайди дейсиз. Чунончи, калифорниялик (АҚШ) эр-хотин Китти ва Жеффа Кэмелл ер юзини тинимсиз рақсга тушиб айланиб чиқишга қарор қилганлар. Улар Аризона билан Луизианани ортда қолдириб, Нью-Йорк томон боришаяпти. Олдинда эса Англия, Франция, Германия қўйингчи, Японияга бўлган жами 5 минг чақиримдан ҳам узун йўл турибди. Эр-хотин фақат овқатланиш ва бироз мизғиб олиш пайтидагина рақсни тўхтатишяпти.

САКСОН ЕШЛИ БАЛИҚЧИ КАМПИР

БАЛИҚЧИЛАРНИНГ қадимий иримларига кўра, аёл кишининг қармоқ билан балиқ овлаши яхшилик аломати эмас.

ШУ БОИС музни тешиб, қармоқ солиб ўтирган аёлни кўрган эркаклар унга яқинлашмайдилар. Бироқ, Горномарийск туманидаги Шиндирёл қишлоғилик 80 ёшли (!) А. Санукова бундан истисно. Сабаби—унинг ови доимо бароридан келади. Ман-ман деган уста балиқчилар ҳам кампир овлаганининг яримича балиқ тутолмайдилар. Бироқ нима учун балиқлар кампирнинг қармоғига кўпроқ илиниши сирлигича қолаяпти.

«ОДДИЙ МАРИЯ»НИНГ МУРАККАБ ИШЛАРИ

НОВГОРОД вилоятининг Маловишерск туманидаги уйлардан бири «Оддий Мария»нинг «айби» билан бутунлай ёниб кетди.

УЙ СОҲИБАСИ печкага тўлдириб ўтин қалаб, ўзи қўшнисиникига севимли киносериални кўргани чиқиб кетди... Вилоят ёнғиндан сақлаш бўлими ходимларининг таъкидлашларига қараганда, бундай бахтсиз ҳодисалар тез-тез учраб турибди. Ўт ўчирувчилар «Оддий Мария»нинг тезроқ тугашини Аллоҳдан илтижо қилмоқдалар.

ЎҒРИЛАРГА ЭЪЛОН ҚЎЛ КЕЛДИ

ЧЕЛЯБИНСК шаҳар кўнгилли итсеварлар жамияти раҳбарига нт йили омадсиз келди.

ТЎҒРИ, аввалига унинг зотдор ити еттита кучукча туғиб бериб, эгасини роса хурсанд қилди. Кучукваччаларни сотиш ҳақида газетага берилган эълон эса 17 миллион рублга тушди. Гап шундаки, уй эгаси харидорларни кутаётган бир пайтда, хонага уч ўғри бостириб кириб кучукваччаларни олиб кетишди.

15 ДАҚИҚАГА ТИРИЛТИРИШ МИЛЛИОН РУБЛ

ИОСИФ Н. ўзини афсунгар Юрий Лонгонинг издоши деб ҳисоблайди.

БУ СЕҲРГАР ҳам ўликларни қисқа муддатга тирилтириш муаммоси билан шуғуллана бошлади. «Биз ҳозирча бу муаммони ечиш арафасида турибмиз, — деди у журналистларга. — Каламушлар билан синов ўтказиб, анча-мунча масалани ҳал этдик».

Аммо бу фирманинг сири. Бироқ, афсунгар-ўликлар билан суҳбатлашиш нархини ҳозирдан белгилаб қўйди: тобутда ётган мурдани ўтказиб 15 дақиқа гаплашиш марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига бир миллион рублга тушаркан.

ҚЎШ ТАНТАНА

Тошкентдаги биринчи шаҳар клиник шифохонасида Наврўз байрамига яна бир тантана уланди. Шу куни бу ерда заҳарланган болаларни даволаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимлари очилиб, беморларни қабул қилди. 17 нафар болакайга мўлжалланган махсус бўлим замонавий тиббий усқуналар билан жиҳозланган. Бош шифокор муовини Ширин Бозоров, бўлим мудири Бахтиёр Рашидовларнинг таъкидлашича қараганда кимёвий дорилар, турли хил суюқлигу озиқ-овқатлардан заҳарланган болаларни тезроқ оёққа турғазиш учун даволашнинг мавжуд усулларидан ташқари сунъий буйрак, жигар сингари аппаратлар ҳам қўлланилса нур-устига нур бўларкан.

Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбарлари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай республика ҳукумати мамлакат келажаги учун соғлом авлодни вояга етказиш борасида барча ишларни қилаётгани хусусида тўхталишди. Шу куни байрам кечгача давом этди.

И. ТОШЕВ.

«ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ»

Бори АКРОМХЎЖАЕВ, милиция подполковники, Ички ишлар вазирлиги Олий мактабининг криминалистика кафедраси катта ўқитувчиси:

— Йилбошида яратгандан сўрайдиган тилакларим бисёр. Ёш, мустақил мамлакатимиз олдида ҳар томонлама мукаммал ҳуқуқий давлат барпо этишдек мураккаб ва шарафли вазифа турибди. Халқимизда бир гап бор: «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади». Наврўз ўзи билан бирга халқимизга тинчлик, фаровонлик, ризқ-рўз олиб келгани рост бўлсин.



Остонақул ХУШБОҚОВ, Олмалиқ тумани:

— Халқимиз ўзининг қадимий анъаналарига бугун янада ўзгача ихлосу меҳр билан ёндашаяпти. Шунингдек, Наврўз умумхалқ байрамига ҳукуматимизнинг алоҳида эътибор билан қараётгани мени жуда қувонтиради. Улуғ айём арафасида вақтли матбуотда Наврўзни ўтказиш тадбирлари ҳақидаги қарор чоп этилди. Шундан кейин ҳамма жойда ободончилик ишлари авж олди.

Бугун шаҳар кўчаю ҳиёбонларини кўриб, кўнглинг яйрайди. Истагим: улуғ айём арафасида бошланган бу саранжом-саришталик бутун йилга татисин. Бу йил ободонлаштириш йили бўлиб қолса нур устига аъло нур бўлур эди.



Сафар ОЛЛОЕРОВ, Деҳқонобод тумани:

— Шундай дамлар бўладики, уни узоқ вақт илиқ бир қаяжон билан эслаб юрасан киши. Наврўз айёми ҳам каминага худди шундай жозибадор, серфайз, дилга таскин ва ўйғониш фасли куртакларидек нафис умид бахш этади. Шунинг учун ҳам уни «янги кун» деб атаймиз. Инчунин, бу кунда коинот қонунларига мувофиқ тун ғафлатлари чекинади, кундуз сергаклиги узаяди. Истагим: ана шу нодир неъмат эзгу ниятли барча кишига насиб этсин.

Суҳбатларни «Халқ сўзи» мухбири Юсуф ҲАМИДОВ ёзиб олди.

• *Миллий байрамлар тақвими*

Рида Тнани: Ўзбекистонга меҳримиз бўлакча

Тунис Республикаси Африка қитъасининг шимолида, Ўрта Ер денгизи бўйида жойлашган. Поёнсиз зайтунзорлар солланиб ётган бу мамлакат ўзига хос тарих ҳамда урф-одатларига эга. Унда асосан араб тилида сўзлашувчи 9 миллионга яқин аҳоли яшайди.

Шу кунларда Тунис ўз мустақиллигининг 38 йиллигини нишонламоқда. Мазкур мамлакат билан республикамиз ўртасида ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб боряпти. ЎзА мухбири Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Рида Тнани билан мусоҳабада бўлди.

— Элчи жаноблари, мамлакатингизнинг мустақиллиги тарихи ва Тунис халқининг бугунги ҳаёти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз 1956 йилнинг 20 мартида 75 йилга чўзилган мустамлакачилик домидан озод бўлди. Шу кундан эътиборан, мустабид хўжайинлар зулми ва жабрдийда халқ чекаётган азобларга хотима ясалди.

1987 йилнинг 7 ноябрида президент Зайн Ал Обидин Алининг давлат тепасига келиши мамлакатда янги даврни — жамият ва давлат, шунингдек, турли табақалар ўртасида ярашув жараёнини бошлаб берди. Ҳозирги пайтда Тунис ҳукуматининг сиёсати демократия, ошкоралик ва босқичма-босқич ривожланиш тамойилларига асосланган. Бу сиёсатда мамлакат халқи, унинг энг сара вакиллари ҳамда ёш авлоднинг орзу-интилишлари ўз ифодасини топган. Бугунги кунда Тунис юксак жаҳон шуҳрати қадриятларга, халқаро муносабатларда ўз сиёсий йўналишига содиқ давлат сифатида БМТнинг ер юзида тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Ўзбекистон билан Тунис ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Иккала давлат ҳамкорлик алоқаларининг бугуни ва истиқболи хусусида нималар дея оласиз?

— Шуни таъкидлашни истардимки, Тунис 1991 йилнинг декабрь ойида, яъни жаҳоннинг дастлабки мамлакатлари сафида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди. 1993 йилнинг октябрида эса араб дунёси ва Африка мамлакатларидан биринчилардан бўлиб Тошкентда Тунис Республикаси элчихонаси очилди. Тунис давлатининг Марказий Осиё давлатлари орасидан энг аввало Ўзбекистонга алоҳида эътибор ила қараши боисини ўзбек ва Тунис халқлари ўртасида азалдан маданий алоқалар мавжудлиги билан изоҳлаган бўлардим. Қолаверса, иккала мамлакатдаги йирик шаҳарлар — Тошкент ва Самарқанд билан Тунис ҳамда Кайруаннинг биродарлашганлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳозирда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожланиш босқичида. Элчихонамиз ўзаро иқтисодий, техник ва маданий алоқаларни янада равнақ топтириш йўлида хизмат қилмоқда.

— Дунё кўрган, тажрибали дипломат сифатида Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида нима дея оласиз?

Ўзбекистон мустақилликка эришганига энди икки йилдан ошяпти. Республиканинг коллективчилик йўриғидан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиёти тизимига ўтишдан иборат янги танлаган йўли ибратлидир. Албатта, эски кўникмалар ва тафаккур тарзидан қутилиш учун маълум муддат, сабр-тоқат, аҳиллик керак бўлади. Эйнштейн айтмоқчи: «Кўникмани ўзгартиришдан кўра, атомни парчалаш осонроқ». Бу борада мамлакатингиз раҳбарияти қўллаётган йўл — бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш сиёсатини жуда маъқуллайман ва Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ эканига ишонч билан қарайман.

Сўзимнинг сўнгида Тунис давлати Ўзбекистон билан ҳамкорлик доирасида барча соҳаларда муносабатларни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашишга ҳамиша тайёр эканини таъкидлашни истар эдим.

Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

Темурхон наслидин султон Улуғбек Ки олам кўрмади султон анингдек

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН 1994 ЙИЛ УЛУҒБЕК ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

СИРЛИ ОСМОН СИНОАТИНИ ОЧГАН АЛЛОМА

Марказий Осиё, умуман мусулмон шарқи тарихида X—XII асрлар мустақил давлатчиликнинг шаклланиши, илм-фан ва маданиятнинг мислсиз юксалиши, Хоразмий, имом Бухорий, имом Термизий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний дек жаҳонга машҳур алломаларнинг камол топиши билан характерли бўлса-да, «Уйғониш»нинг бу илк даври мўғуллар истилоси натижасида узилиб қолганди.

Амир Темурнинг мамлакат мустақиллигини таъминлаш, бирлаштириш соҳасида олиб борган улкан фаолияти, маданиятни юксалтиришга зўр эътибори туфайли XIV—XV асрларга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда маънавий уйғониш ўрнининг олий даражасига кўтарилди.

Темур ва темурийлар давлат бошида бўлган XIV—XV асрларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шарқ ва ҳатто Европа давлатлари билан савдо, дипломатик алоқалар ўрнатилди ва кенгайтирилди. Ободончилик, ҳунармандчилик, қурилиш, дарёлар, ариқ ва зовурларни қазиш, шаҳарларни қенгайтириш, боғлар яратиш, мадраса ва масжидлар бино қилишга катта эътибор берилди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат тузилиши, уни бошқариш соҳаларида ҳам янги тартиб-қоидалар юзага келди.

Аристотел, Платон, Эвклид, Птолемей, Гален, Гиппократларнинг илмий асарларидан фойдаланишга, улардаги маърифий ғояларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Замаҳшарий каби алломаларнинг асарларини кенг ўрганишга киришилди.

Темур томонидан асос солинган бу маданий маънавий юксалиш даври унинг ўғиллари, набиралари, айниқса, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган йилларда олий даражага кўтарилди.

Бу даврда жуда кўп машҳур давлат арбоблари, олимлар, меъморлар, санъаткорлар, шоирлар ижод этди. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш мумкин.

Мир Сайид Журжоний, Умар Тафтазоний, Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Мунший, Бадриддин Аҳмад, Жалол Ҳокий каби олимлар, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофиз Абрў, Шарафиддин Али Яздий, Фозил Ҳавофий каби тарихшунослар айнан шу даврда вакилларидир. Бу даврда тиббиёт, риёзиёт ҳандаса, жўғрофия, фалакиёт, тарих, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик каби илмлар ривож топиб, Лутфий, Жомий, Дурбек, Гадоий, Хофиз Хоразмий, Саккокий каби соҳиби қаламлар ўз асарлари билан шуҳрат қозонди. Мусиқа соҳасида Абдуқодир Наи, Ҳусайн Удий, Наҳмиддин Кавкабий, Шоҳқули Ғиҳжакий кабиларнинг номлари Хуросону Эронда ҳам машҳур эди.

Лекин бу улуғларнинг ичида энг улуғлари ҳақида гап борса албатта биринчи навбатда саркардалик, давлат арбоби бўлиш уни бошқариш, қонунчиликни ўрнатишда Амир Темур номи бутун оламга машҳур бўлганидек, илм-фан соҳасида Мирзо Улуғбек, шеъриятда Алишер Навоийнинг номи поклари эсланади.

Мирзо Улуғбек (Шоҳруҳ Мирзо ўғли) Амир Темурнинг навбатдаги ҳарбий юришлари вақтида Султония (ҳозирги Эрон) шаҳрида 1394 йил 22 мартда таваллуд топди. Набирасидаги ўткир зеҳн ва қобилиятни сезган Темур унга нафақат давлатни бошқариш сирларини балки ўз даври илмларини ҳам ўргатиб маданиятли инсон бўлиб етишишига эътибор берди.

Темур вафотидан сўнг унинг ўғли Шоҳруҳ Хуросонда, Улуғбек Мовароуннаҳрда (1411—1449) ҳукмронлик қилди.

Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда Мовароуннаҳр шаҳарлари, хусусан давлат маркази Самарқандда жуда катта маданий ўзгаришлар рўй берди.

Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Марвда мадрасалар, хайрия муассасалари барпо этилди. Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли қурилишлари охирига етказилди, жуда кўп карвонсарой, тим, чорсу, ҳаммомлар қурилди.

Улуғбек Самарқандга турли тиллардаги китобларнигина эмас, турли соҳада иш олиб борувчи 100 дан ортиқ олимларни ҳам таклиф этди, уларнинг илмий ишларига шароитлар яратди. У ўз она туркий тилидан ташқари араб, форс тилларини яхши билар ва турли мамлакатлардан келган олимлар иштирокида илмий мулоҳазалар олиб борар эди.

Улуғбек қурдирган мадраса, расадхона, кутубхоналар, у жам этган олимлар уюшмасининг ўзи бир «Академия» эди.

Улуғбек илм-фаннинг ривожига жуда катта эътибор берди. Ўзи давлатни бошқариш ишлари билан бир қаторда турли илмлар, хусусан астрономия, математика, тарих фанлари соҳасида чуқур тадқиқотлар олиб борди. Хусусан у ўз даври тарихига оид «Тарихи арбаъ улус», (Тўрт улус тарихи) асарларини яратди.

Улуғбек тиббиёт ва музика билан ҳам шуғулланар, шеърлар ёзар эди. Унинг шеърлари ҳақидаги баъзи маълумотлар ўша даврда ёзилган айрим асарлар орқали бизгача етиб келган. Унинг даврида кўпгина илмий тарихий асарлар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди. Турли шарқ тилларидаги нодир китобларни тўплашга алоҳида эътибор берилди. Улуғбек ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 150 минг жилддан ортиқ асарлар мавжуд бўлган.

Улуғбекни олим ва тадқиқотчи сифатида бутун жаҳонга машҳур этган нарса унинг узоқ йиллар давомида юлдузлар оламини кузатиш натижасида яратган астрономик жадвали «Зижи жадиди Курагоний» ёки «Зижи Улуғбек» бўлди. Улуғбек астрономия соҳасидаги ўзидан аввал ўтган юнон олимлари Гиппарх Птолемей, Аристотел асарларини ўқиб ўрганиши Аҳмад Фарғоний Беруний, Тусийлар ижодини таҳлил этиши, уни илм фан соҳасида юксак мартабага кўтарди.

Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича: «Улуғбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида Птолемейга ўхшарди».

Аллома яратган «Зижи жадиди Курагоний» 4 қисмдан иборат бўлиб, унда астрономик жадвалдан ташқари математиканинг турли соҳаларига оид масалалар ҳам кенг ўрин олган. Улуғбекнинг бу асари қадимги Юнонистон ва мусулмон Шарқи Ўрта асрининг илмфан соҳасида хусусан астрономия ва математика соҳасида эришган ютуқларига асосланиб вужудга келган жаҳоншумул илмий кашфиёт эди. Асар ёзилиши билан тезда турли мамлакатларда машҳур бўлиб кетди. Эрон, араб мамлакатлари, Туркияда унга турли шарҳлар битилди. XVII асрлардан бошлаб Улуғбекнинг бу асари Оврупо мамлакатларида ҳам шуҳрат қозона бошлади. Хусусан, 1643 йилда «Зижи жадиди Курагоний»нинг Гервс тайёрлаган нусхаси Оксфорд университети томонидан нашр этилди. Польшада 1690 йили астроном Ян Гевелийнинг лотин тилида нашр эттирган «Юлдузлар осмонининг атласи» асарида Улуғбек ижодига катта ўрин ажратилди Улуғбекнинг илмий меросини инглиз олими Т. Хайд, француз астрономлари Ш. Даламбр (XVIII аср), д-р Л. Седийо (XIX аср), немис олимлари К. Петерс (XIX аср), К. Броккелман (XX аср) ва бошқа овруполик олимлар атрофлича ўргандилар, уни турли тилларда, Оврупо ва Америка китъаларининг кўплаб шаҳарларида чоп эттирдилар.

Россияда эса Улуғбек асарини ўрганиш ва таржима этиш масаласи XVIII асрда Санкт-Петербург академиясида муҳокама этилди...

Бугунги дориламон кунларда Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тўйини ўтказиш, Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борадаги фармонлари халқимиз ғурурини, топталган иззатини жойига қўйиш, боболаримиз руҳини шод этиш борасида қилинаётган ўнлаб хайрли ишлардан биридир. Қолаверса тарихимиз, ўтмиш аждодларимиз олдидаги қарзимиз, бугунги ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг буюк давлатлар қаторидан ўрин олишни таъминлай оладиган, комил, иқтидорли, салоҳиятли қилиб етиштиришдаги муҳим бурчимиз деб биламан.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
академик, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.

ФЕДЕРИКО МАЙОР, ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИ:

— Шубҳасиз, Улуғбек — Шарқнинг буюк олими, дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган алломадир, шунинг учун жаҳон ҳамжамияти унинг юбилейини муносиб нишонлашига аминман.

ТАСВИРЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

ҚАШҚАДАРЁ вилояти ўлкашунослик музейи ходимлари Мирзо Ўлуғбекнинг 600 йиллик юбилейи муносабати билан алломанинг ҳаёти ва мунажжимлик фаолиятига оид кўргазма тайёрлаб томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

Улуғбекнинг ижодий фаолиятини акс эттирадиган асарлар, суратлар, шунингдек, аллома номи билан аталадиган халқаро кенглик бекати илмий ходимларининг фалакиёт тадқиқотларига оид илмий тўпламлари кўргазмадан жой олган.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИМ ҲАҚИДА ФИЛЬМЛАР

Мамлакатимизда буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири «Улуғбек» киностудиясининг бош директори Ҳ. Иброҳимовдан аллома ҳақида қандай фильмлар яратилаётгани хусусида гапириб беришни илтимос қилди.

— Мазкур киностудия бундан уч йил муқаддам «Ўзбекфильм» қошида ташкил этилган эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Улуғбек юбилейини ўтказиш тўғрисида қарори чиққач, олим ҳақида бадиий фильм яратиш вазифаси бизнинг студиямизга топширилди. Тарихчи Б. Аҳмедов, ёзувчи М. Али, режиссёр Ш. Аббосов, муҳаррир М. Тўйчиев ҳамкорликда фильм сценарийсини тайёрлади. Унда Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти батафсил акс эттирилган.

Ҳозир фильмда иштирок этадиган актёрларни чамалаб кўряпмиз. Юбилей комиссияси уларни ижрога тасдиқлагач, апрель ойидаёқ фильмни суратга олиш бошланади. Асосий лавҳалар Самарқанд ва Бухорода, Эроннинг Машҳад, Исфаҳон, Хум ва Улуғбек таваллуд топган Султония шаҳрида тасвирга туширилади.

Рассом ва гримчиларни қўшни Тожикистондан таклиф этмоқчимиз. Эрондаги «Ама» студияси тажрибасидан ҳам фойдаланиш ниятимиз бор. Улуғбек яшаган даврга хос кийим-кечак ва қурол-яроғларни тайёрлаш учун республикамиз корхоналарига буюртма бердик.

Улуғбек ҳақида икки қисмли ҳужжатли фильм ҳам тайёрланмоқда. Уни суратга олиш шу йил ўрталарида тугалланади.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати

Юлдузлар мулкининг хазинадори

Яратганга беҳад шукроналар бўлсинки, халқимизнинг пешонасига не-не даҳо инсонларни битибди. Илму-фан дейсизми, саркардаликми ёҳуд адабиётми, барчабарча соҳаларда ҳар бирининг номи бутун-бутун халқлар тарихини безай оладиган зотлар мавжуд. Беруний, Ибн Сино, Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ана шу бетимсол шоданинг энг йирик гавҳар доналаридан бири, шубҳасиз, Мирзо Улуғбекдир. 40 йил подшоҳлик қилган бу алломанинг томирида соҳибқирон Темур қони жўш уриб турар эди. Ҳа, дунёда бесабаб ҳеч бир нарса содир бўлмайди. Темур бобомизнинг қонида буюкликнинг мавж ургани эса аниқдир.

Темурхон наслидин
Султон Улуғбек
Ки олам кўрмади
Султон анингдек

Бу байт Навоий ҳазратларининг Улуғбек таърифидаги назмларидан. «Зижи Курагоний» Улуғбек мактабининг энг нодир меваси бўлиб, у ўша даврлардаёқ жаҳонга довруқ солганди. Шарқдаги ижобий воқеа ва ҳодисалардан кўпинча кўз юмадиганлар ҳам юлдузшунос бобомизнинг хизматларини эътироф этишга мажбур эдилар. Голландияда яратилган бир суратда тарихда яшаб ўтган энг улуғ астрономлар тасвирланган. Давра ўртасида осмон ёриткичлари маъбудаси УРАНИЯ турибди. Маъбуданинг шундоққина ўнг ёнида Мирзо Улуғбекнинг сиймолари тасвирланган. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ер юзидан кишилик жамияти эришиши мумкин бўлган мўъжизалардандир. Ўрис космонавтларидан бири расадхона секстантини кўргач, «Аслида фазога парвоз мана шу расадхонадан бошланган экан» — дебди. Афсуски фалакка нарвон қўйган халқнинг бирор фарзандига космонавтликни раво кўрмадилар. Ҳайр, майли, ҳар ким ўз ўчоғининг кулини ўзи тортади, деб қўя қоламиз. Шарқда, айниқса, илми нужум ғоят шарафли, эътиборли илмлардан бири ҳисобланган. Ахир, она заминда яшаб туриб осмоннинг нурли гулшанларини сайр этишдан ортиқроқ саодат борми?

Мирзо Улуғбек мингдан зиёд ёритқичнинг ҳолатларини белгилаган. Мен албатта астрономиянинг нозик ҳисоб-китобларидан йироқман. Бироқ, Улуғбек бобомизнинг чиқарган хулосалари ҳозирги замон астрономияси қайдларига ғоятда яқин эканки, мана шу мисолнинг ўзиёқ Улуғбек ҳамда у зотнинг мактаби вакиллари ночоғлик заковатли эканликларини тасдиқлаб турибди.

Буюк бобомиз бундан 600 йил муқаддам Наврўзи оламнинг иккинчи куни дунёга келган эканлар. Султоннинг қай йўсинда оламдан ўтганлигини эса одамзод ҳар лаҳзада кўзда ёш билан хотирлайди. Падаркуш фарзанднинг жойи дўзахнинг қоқ ўртасидадир!

Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас
У Улуғбек кўзидаги ёш.

Алломанинг 600 йиллигини мамлакатимиз халқлари, қолаверса бутун жаҳон жамоатчилиги холис ният ила нишонламоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1994 йил Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиниши, Президентимизнинг қадриятларимизга бўлган яна бир чексиз ифодасидир. Ана шундай ҳаяжонли дамларда сиз азиз ўқувчиларга кўп таниш бўлган бир шеъримни такрор ҳадя этмоқчиман...

Гап шундаки Қашқадарёнинг Китоб шаҳрида жўғрофий ўрнига кўра дунёда бешидан бир ҳисобланадиган халқаро астрономик Кенглик нуқтаси жойлашган. У Улуғбек номи билан аталади. Алломанинг ота-боболари асли шу жойлардан дейишади. Ажиб тасодиф. Балки бу тасодиф ҳам эмасдир...

КЕНГЛИК НУҚТАСИ

Ҳисор тоғларининг нақ этагида
Макон бор хушҳаво, сарбаланд, юксак.
Ажиб бир осмон бу, осмон тагида,
Юлдузлар қўл чўзсанг шундоқ етгудек.
Она табиатнинг хуш санъати бу,
Инсон ва юлдузлар салтанати бу.

Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи,
Беқасам тўн демак бу рангин диёр.
Фалакда юлдузлар чақнаган чоғи
Нишондор ўзбекнинг сурати тайёр.
Улуғбек номида зўр кошона бу,
Дунёда бешдан бир расадхона бу.

Бу ерга термулиб паришон дунё,
Тўғрилаб олади қўлда соатин,
Не ажаб пайт келиб айтолсак ҳатто
Жумлан жаҳоннинг хуш—саодатин.
Шундоқ қутлуғ жой бу, қутлуғ макон бу,
Не қутлуғ, жонажон Ўзбекистон бу.

Атрофда водийлар товланар ҳал-ҳал,
Минг йиллик чинорлар кўкка боқкан тек,
Бу ерда, во ажаб, юз йиллар аввал
Дунёни танибди султон Улуғбек.
Ажиб тасодиф ё шаҳри Ҳумой бу,
Ҳойнаҳой даҳоси туганмас жой бу.

Оқшом тушмасидан бунда бесабр
Ўнлаб кўз, термулар осмон-фалакка.
Бу Зуҳал, мана бу дубби Акбардир,
Зуҳраой пиқирлар бир четда якка
Юлдузлар васли бу, васли жаҳон бу,
Ошиқ мунажжимга айши ниҳон бу.

Тонг отиб чиқар-ку ишбоши офтоб,
Қошида бош эгиб қолма тағин жим.
Замон шиддатини қилолмай ҳисоб
Ер чизиб турибди ёш бир мунажжим.
Азизим, ғам чекма, ваҳму гумон бу,
Охир тизгинингга келгай, замон бу!

Ҳар зумда дунёнинг бурчакларига
Хабарлар жўнайди қатор ва қатор.
Хоҳласанг, учавер Марсдан нарига,
Қўлингда тап-тайёр ҳадди ҳисоб бу,
Ҳадди ҳисоб берган шаҳри Китоб бу.

Қутлуғ жой кўп эрур ушбу дунёда,
Юлдузни кўзлаган лочин ҳам талай.
Ҳар нечук, шу соат, шу сонияда,
Она юрт, мен сени созимга солай.
На мақтов, на олқиш, на пуч занаҳ бу,
Она юрт қалбимга солган фараҳ бу.

Кездим бу ерларда танҳо, шодумон,
Юлдузларга яқин, кўзлардан йироқ,
Қалқиб турган билан теппамда осмон
Англаб етармидим маъносин бироқ,
Ҳар нечук, билганим, юлдуз фишон бу,
Порлоқ Ватанимдан битта нишон бу.

Бор бўл, тафаккурга ёр бўлгин диёр,
Бор бўл, юлдузли тун, оқшомлар майин.
Битта мунажжимнинг мисоли бедор,
Она юрт, мен сенга мафтун ўтайин,
Балки шоирлик ҳам яхши отдир бу,
Улуғбек юртидан хотиротдир бу.

Республика рассомлар уюшмаси Самарқанд бўлимида улуғ мунажжим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мирзо Улуғбек мадрасасида вилоят ижодкорлари томонидан яратилган сарасурат ва ҳайкаллар танлаб олинди, — дейди рассомлар уюшмаси Самарқанд бўлими раиси Нуриддин Калонов.

СУРАТДА: Н. Калонов, Н. Юсупов, Г. Улько юбилей нишони чизмаларини кўришмоқда.

Т. НОРҚУЛОВ,
суратлари.

«ЎЗ ДАВРИНИНГ ПТОЛЕМЕЙИ»

Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларда илм-фан, маданият юксак даражада ривожланди. Унинг қўл остидаги ҳудудларида адабиёт ва санъатга эътибор кучайди. Самарқанд яқинидаги Оби-раҳмат ариғи ёнидан топилган айрим қазилма ашёлар, Расадхона қолдиқлари ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

Улуғбек салтанатни тебратган йилларда айниқса астрономия илми ривожланди. Жамшид Шохидин Кошиб, Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқа олимларни бирлаштирган Самарқанд математика мактаби юзага келди.

Улуғбек томонидан тригонометрик жадваллар тузилганлиги ҳам тарихий манбаларда қайд этилган. Илмфанни ривожлантириш, коинот сирларини ўрганиш мақсадида Улуғбекнинг амри билан Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этилди, Улуғбек ва унинг шогирдлари томонидан яратилган жадваллар нафақат илмий балки, амалий масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим ўрин тутган. Масалан, ана шу жадваллардан Самарқанддаги бинолар қурилишида фойдаланилган.

Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда юздан ошиқ фанлар бўйича машҳур олимлар, адиблар, муаррихлар ҳаттотлар, мусаввирлар, географлар жам бўлишганди. Айниқса, математика ва астрономия соҳасидаги олимларга талаб ва эътибор кучли эди.

Улуғбек ташкил этган Самарқанд мадрасаси ва шаҳардаги бир қанча илмий тўгараклар Шарқ маданияти, фани ва тарихига, шунингдек, бошқа халқлар илм-фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшди. Самарқанддаги мадрасаларда асосий маърузаларни ўз даврининг машҳур алломалари, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Муҳаммад Хавофий ва Улуғбекнинг ўзи ўқирдилар.

Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг шогирди Ғиёсиддин Жамшид Кошй 1417 йили Самарқанддан ўз отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг шоҳлик фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: **«Аллоҳга ва унинг берган неъматларига кўп шукрлар бўлсинким, етти иқлимнинг фармонбардори, Ислом подшоҳи (яъни Улуғбек) донишманд кишидир. Мен бу нарсани одоб юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, у киши муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлида сақлайдилар ва ёддан биладилар. Араб тилининг наҳв ва сарфини яхши биладилар. Арабчада ғоятда яхши ёзадилар. Шунингдек у киши фиқҳдан анча хабардорлар. Мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар. У киши риёзиёт (математика) фаннинг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган. Бир кунн отда кетаётиб 918-ражаб ойининг 10 ва 15-кунлари орасидаги (милодий 1415 йил, 15—20 сентябрь) душанба куни йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини аниқлашликни истадилар. Шунга кўра, отда кетаётиб, ҳаёлий ҳисоб билан қуёшнинг тақвими (ўша куни) бир даража ва икки дақиқа эканлигини топдилар. Кейин отдан тушгач, (ҳисоб тўғрилигини) бу бандан бечорадан сўраб, аниқлаб олдилар»** (Ашраф Аҳмедов «Улуғбек», Тошкент, 1991 йил, 51-бет).

Шубҳасиз, Улуғбек ким билан илм-фанда, астрономияда ҳамкорлик қила олиши хусусида кўп ўйлаган. Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид Улуғбек расадхонасининг энг илмли кишилари ва ходимлари эди. Али Қушчи деб ном олган Алоуддин ибн Муҳаммад эса Улуғбекнинг илм-фандаги содиқ шогирди эди. Астрономиядаги муваффақиятлари, мукаммал билимга эга эканлиги туфайли уни ҳаётлигидаёқ «ўз даврининг Птолемейи» деб аташган. Али Қушчи аввал Озарбайжонга, сўнгра Истамбулга кўчиб кетди. Улуғбекнинг қўлёзмаларя ва бошқа илмий асарлари ҳам Али Қушчи билан бирга ана шу юртларда «сафар» қилди. У ўз устозининг душманлари томонидан қўлёзмаларнинг йўқ қилинишидан хавфсираб асл нусха ва бир талай қўлёзмаларни, шу жумладан астрономия жадвалларига Улуғбек томонидан битилган «Сўзбоши»ни ҳам ўзи билан бирга олиб кетган эди.

Хулоса шуки, Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек даврида бобоси Амир Темур замонасида бошланган барча хайрли ишлар жумладан, меъморчилик ва қурилишнинг анъанавий усуллари давом эттирилди ва ривожлантирилди. Учта мадраса билан салобат тўкиб турган Регистон эса Самарқанднинг тантаналар ўтказувчи бош майдонига айланди.

Неъматулла САЪДУЛЛАЕВ,
Матлуба АМИНЖОНОВА.

• *Сиз кутган учрашув: Фазлиддин Пўлатов, самбочи.*

«Касбимга бўлган муҳаббат чарчоқни билинтирмайди»

САМБО ва дзюдо бўйича спорт устаси Фазлиддин Пўлатов мухлисларга яхши таниш. Ўзбекистон самбочи қизлари у киши мураббийлигида жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришганлар. Жумладан, 1992 йилги жаҳон чемпионатида учинчи, кейинги йили эса биринчи ўринни эгаллашган. Шогирдларидан тўқ-қиз нафари жаҳон чемпиони бўлган.

Фазлиддин ака халқаро миқёсдаги ҳакам ҳамдир. Шунингдек, «Спорт-Илм-Фан» ассоциациясига вице-президентлик қилади. Бир йўла уч вазифани уддалаётган киши билан суҳбат нафақат спорт мухлислари, балки, газетхонларни ҳам қизиқтиради деб ўйлаймиз.



— Аввало, аёллар самбо кураши тарихидан, унинг республикамиздаги ривожи ҳақида қисқача сўзлаб бersангиз.

— Самбо ҳозирча олимпиада мусобақалари дастурига кирмаган. Аммо у бошқа спорт турлари орасида шу нуфузли халқаро анжуманга биринчи номзод бўлиб турибди.

Аёллар самбоси 1982 йилги жаҳон биринчилигидан бошланади, десак адашмаймиз. Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган ана шу чемпионатда собиқ СССР командаси йўқ эди. 1989 йил СССР спорт қўмитаси қарори билан барча республикаларда аёллар самбо кураши ташкил қилинди. Ўша йили менга самбо бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоасини тузишни таклиф қилишди. Кўп ўтмай аёллар ўртасида республика биринчилигини ўтказдик. Шунингдек, Краснокомск, Полтава бутуниттифоқ мусобақаларида ва Александров шаҳрида ўтказилган биринчи СССР кубоги мусобақаларида қатнашдик ва яхши натижага эришдик. Тбилиси шаҳрида ўтказилган СССР ўқувчилар спартакиадасида эса биттадан олтин ва кумуш, 7 та бронза медал олиб, фахрли учинчи ўринни эгалладик. Айнан шу қизларимиз терма жамоа келажагини белгилашини ҳисобга олиб, улар билан жиддий шуғулландик. Шунингдек, ҳар йили Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида истеъдодларни танлаб олдик. Бу ўз мевасини берди.

— Кейинги уч йил давомида эришган катта муваффақиятларни назарда тутяпсиз-да?

— Ҳа, албатта. Бу ҳақда гапирганда 1990 йил Москва шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақалардан сўз бошлаш жоиз. Ўзбекистон жамоаси илк бор мустақил қатнашиб, 26 жамоа орасида фахрли III ўринни эгаллади. Бир олтин, икки кумуш, 5 бронза медалини қўлга киритдик. Бизнинг 10 кишидан иборат вакилларимиз энг ёш жамоа эди. Шунинг учун ҳам бу ғалаба биз учун юксак мувaффақият эди.

— Адашмасам, ўша мусобақалардан сўнг сизга 2—3 давлатдан иш таклиф қилишганди?

— Ҳа, таклифлар бўлди. Жумладан, Америка, Болгария, Жазоир давлатларидан. Улар яхшигина иш ҳақи ваъда қилишди. Собиқ СССР терма жамоаси бош мураббийси ва раҳбарлари билан ҳам алоқам яхши эди. Бироқ, ўзим тарбиялаган қизларимни ташлаб кетишга кўзим қиймади. Чунки, Ўзбекистон терма жамоасининг яқин йилларда халқаро мусобақаларда мустақил қатнашишига ишонар эдим. Шундай ҳам бўлди.

Ўзбекистон самбо федерацияси жаҳон самбо федерациясига қабул қилинди. Ўша йилнёқ Минск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, фахрли III ўринни эгалладик. Бу жаҳон чемпионати 3 қисмдан иборат эди: кичик ёшдаги қизлар (16 ёшгача), ёшлар (18 ёшгача), аёллар (18 ёшдан юқори) ўртасида алоҳида-алоҳида жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу уч жамоа эришган ютуқлар жамланиб, умумжамоа ҳисобида ҳар бир давлатнинг ўрни белгиланарди. Бу мусобақаларда дунёнинг беш қитъасидан 21 давлат қатнашди. Россия, Украина, Белорусь, Франция, Болгария, Грузия давлатлари вакиллари нафақат Европада, балки дунёдаги энг кучли жамоалардан ҳисобланарди. Қозоғистон жамоаси эса 1992 йил жаҳон кубоги ғолиби бўлганди. Минскка ҳар бир давлат низомга кўра 30 тадан қатнашчи олиб келди. Уч ёш тоифасидаги жаҳон биринчилигининг ҳар бирида мамлакат спортчилари 10 вазн бўйича қатнашиши лозим эди. Биз эса 13 қиздан иборат терма жамоа билан қатнашдик. Қайси вазнда вакилимиз қатнашмаган бўлса, шу тоифасида охирги ўрин беришарди ва бу жарима очколари умумжамоа биринчилигини ҳисоблашда ўзига хос таъсир кўрсатарди. Шунинг учун қизларимиз учун нафақат ўз вазнлари, балки бошқа бўш қолган вазн ва ёш тоифаларида ҳам 2—3 карра гиламга чиқишига тўғри келди. Албатта бу оғирлик қиларди. Аммо 13 қизимиз 12 медаль соҳиби бўлди. Бир қизимизнинг тиззаси жароҳатланганини ҳисобга олмасак, бу 100 фоиз ютуқ эди. Энг қувонарлиси, 2 қизимиз жаҳон чемпиони бўлди.

1993 йил жаҳон чемпионати Омск шаҳрида, ноябрь ойида бўлиб ўтди. Жамоамиз яна тўлиқ эмас: 20 қиздан иборат эди. Бу гал ҳам кучлар тенг бўлмаган курашга киришди. Бу аҳволда аввалги чемпионатда эришган ғалабани нафақат такрорлаш, балки у ҳақда ўйлаш ваҳимали эди. Лекин қизларимиз яна 2, 3 карра бошқа вазн ва ёш тоифаларида етишмаган вакилларимиз учун ҳам курашдилар ва аввалгидан ҳам юқори натижага эришдилар. Улар жами 23 медални қўлга киритишди. Бу медалларнинг 7 таси олтин эди. Жамоамиз эса биринчи ўринни эгаллади. Бу такрорлаш қийин бўлган рекорд натижадир.

— Фазлиддин Муҳиддинович, ҳам терма жамоага тренерлик қилиш, ҳам республика федерациясини бошқариш, ҳам уюшма бош директори лавозимида ишлаш, ҳам республика миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда ҳакамлик қилиш сизни қийнаб қўймайдими? Умуман, бу ишларга қандай улгурасиз?

— Ишим анча оғир, кўпинча 10—12 соат ишлашга тўғри келади. Бироз чарчайман. Лекин бу чарчоқ ўз ишимга бўлган муҳаббат туфайли унча билинмайди.

Бизда «Йўлбарс —Тигр» спорт клуби бор. Юқорида ғалабага эришган қизларнинг аксарияти шу клубимиз аъзоларидир. Клубимизни бутун жаҳон танимоқда, биз Англия, Жазоир, Корея, Франция, Болгария давлатларидан таклифлар олдик. Уларни кўриб чиқиш, чет давлатлар билан ассоциация ва федерациямизнинг алоқа қилишида Ўзбекистон спорт қўмитаси раҳбарлари катта ёрдам бермоқдалар.

Уюшмамиз самбо ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Бизнинг «Йўлбарс —Тигр» спорт клубимизда ҳозир кўп қизларимиз мураббийликни бошладилар. Шу ўринда терма жамоа мураббийлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Терма жамоада менга «Йўлбарс —Тигр» спорт клубимиз президенти, укам Фахриддин Пўлатов ва вице-президент Қодир Қўлдошев ёрдам бермоқдалар. Қодир аёллар терма жамоаси катта мураббийси. Фахриддин эса ёшлар терма жамоаси катта тренери. Уларнинг ҳар бири бир неча жаҳон чемпионларини ва совриндорларни тайёрладилар, шунингдек улар республика тоифасидаги ҳакамлардир. Бундай ёрдамчилар билан бирга ҳар қандай жаҳон ва Осиё биринчилигига, халқаро мусобақаларда дадил қатнашиш мумкин.

— Энди бу йилги режалар, навбатдаги курашлар хусусида сўз юритсак...

— Апрель ойида Бирмингем шаҳрида ўтадиган Англия мамлакати очиқ биринчилигида ва Пхенянда бўладиган халқаро мусобақаларда қатнашмоқчимиз. Бу жаҳон кубоги мусобақалари (Франция) ва Алматида ўтказиладиган Осиё чемпионати олдидан муҳим кўрик вазифасини ўтайди. Йил охирида эса жамоамиз билан жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Японияга бормоқчимиз. Шунингдек, Ҳиндистон, Россия ва Жазоирдаги ўқув машғулотларида қатнашишни режалаштирмоқдамиз.

Турсунқул ИСКАНДАРОВ суҳбатлашди.

UzPGS

Ўзбек-Италия қўшма ҳиссадорлик жамияти "ЎЗИТАЛМОТОР"

қуйидагиларни сотади:

- Д-243 двигатели *(МТЗ-80Х тракторлари учун);*
- авто ва электр юклагичлар *(юк кўтариши 1 дан 3 тоннагача);*
- омборлар учун қўл аравалар *(юк кўтариши 1,5 тонна);*
- алюминийдан тайёрланган марказлашган иситиш батареялари.

Д-243 двигателларидан ташқари ҳамма маҳсулотлар Италиянинг етакчи фирмалари технологияси бўйича тайёрланган.

Нархлар шартнома асосида.
Мол айирбошлаш мумкин.

Телефонларимиз: 96-45-01, 98-48-73, 98-47-76
Телекс: 11667 "РОТОР"
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оҳангарон йўли, 2.

БИККС

"БИККС" Ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиё бошқа республикаларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилади ҳамда уларга ўз маҳсулотларини сотиш учун Москва шаҳрининг турли жойларидаги савдо расталарини ҳавола қилади.

Барча масалалар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-берк кўча.
Телефонлар: *90-94-85, 90-94-75.*

Эндиликда сиз Тошкентда ҳам Американинг
Procter&Gamble
маҳсулотларини сотиб олишингиз мумкин

P&G – бу ювиш воситалари ва гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи жаҳон миқёсидаги етакчи фирмадир
"S&V" қўшма корхонаси P&G нинг Ўрта Осиёдаги расмий дилери

Эркин муомаладаги валюта билан кўтара савдо қилувчилар қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилсинлар:
Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги пр., 8-уй, 806-хона
Тел.: 45 88 93, 45 03 38
Факс: 45 17 56

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Шу йилнинг 30-март куни Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 1992-йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигацияларининг навбатдаги 8-тиражи ўтказилади.

Облигация эгаларини Андижон шаҳрига тиражда қатнашишга таклиф қиламиз.

Сизга омад тилаймиз!
Ўзбекистон жамғарма банки

Улгуржи савдо компаниялари диққатига!

Қаттиқ қутичалардаги American Blend сигаретлари бўйича тижорат ҳамкорлигини таклиф қиламиз.
Нархлари арзон - 1 қутиси (почкаси) 11 АҚШ центи.
Партияси 1 дан 40 контейнергача.
Биз барча реклама воситалари билан таъминлашга кафолат берамиз: зажигалкалар, наклейкалар, телереклама.

Агар қизиқиб қолган бўлсангиз:

қўнғироқ қилинг: (8-095) 956 50 81 ёки факс юборинг: (8-095) 334 92 18

Намуналар жиддий буюртмачиларга курьер почтаси орқали юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири Шавкат Ниёзовга волидаи муҳтарамаси
Раиса РАҲМОНҚУЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат комитети Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув илмгоҳи маъмурияти ва илмгоҳ лаборатория мудири
Йўлдош ҚОДИРОВнинг
фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, биродарларига чуқур таъзия билдирадилар.

Сирғали тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси бўлим бошлиғи Оқилжон Мўминовга отаси
Одил МЎМИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси жамоаси шу қўмитанинг масъул ходими Тожибой Мўминовга волидаи муҳтарамалари
Умри МЎМИНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, марҳумани Оллоҳ таоло ўз раҳматига олишини тилайди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пирмақул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев, навбатчи — М. Муродова.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 857. 84742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 22.30.